O'ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№28 (781) 2024 йил 2 апрель, сешанба
uzbunyodkor · t.me/uzbunyodkor · uzbunyodkor · info@uzbunyodkor.uz · uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХХР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 апрель куни жорий йилнинг январь ойида ўтган олий даражадаги учрашувдаги келишувлар доирасида мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Ван Сяохун бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Юқори мартабали меҳмон Ўзбекистон етакчисига кўрсатилаётган меҳмондўстлик учун чуқур миннатдорлик билдириб, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда хавфсизликка нисбатан замонавий хатар ва таҳдидларга қарши курашишда амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва барча шароитларда стратегик шериклик муносабатлари бугун юксак даражага кўтарилганини алоҳида мамнуният билан таъкидлади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида самарали идоралараро ҳамкорлик учун мавжуд салоҳият ва имкониятлар қайд этилди.

Устувор йўналишлар сифатида жамоат хавфсизлигининг асосий йўналишлари бўйича тажриба алмашиш ва қўшма тадбирлар ўтказиш, замонавий ахборот технологиялари ва инновацион усулларни жорий қилиш, кибержиноятчиликка қарши курашиш, малакали мутахассисларни тайёрлаш ва бошқалар кўрсатиб ўтилди.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**ЎзА.**

**ЯНГИ ҚАРОР**

# Қарор ижроси юзасидан жамоатчилик назорати ўрнатилади

**Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 28 март куни "Ислом тараққиёт банки иштирокида "Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди.**



Қишлоқ аҳоли пунктларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш орқали аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш мақсадида қабул қилинган қарор доирасида Самарқанд вилоятининг 10 та туманида қатор инвестицион дастурларни амалга ошириш белгиланган. Бунинг натижасида вилоятдаги 16 та асосий маҳалла ва унга ёндош 36 та маҳаллада яшовчи 210 мингга яқин аҳоли турмуш шароити яхшиланади.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг ижросини сифатли таъминлаш масаласи вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов бошчилигида тегишли масъуллар иштирокида муҳокама қилинди.

– Қарорда белгиланганидек, 2024-2028 йилларда вилоятимизда 19 та мактаб, 14 та мактабгача таълим ташкилоти, 10 та оилавий шифокорлик пункти қурилади, – деди Э. Турдимов. – Шунингдек, 16 километр ичимлик суви, 27 километрга яқин электр тармоқлари тортилади, 122 километрдан ортиқ йўл инфратузилмаси яхшиланади. Бу инсон қадри улуғланадиган юртимизда, халқ розилиги йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг яна бир яққол ифодаси бўлади. Шунинг учун ҳар бир мутасадди бу вазифаларни ўз вақтида, сифатли, ҳалол-пок қилиб бажариши зарур.

Муҳокамада дастлаб масъулларнинг мазкур қарор мазмун-моҳияти билан танишганлиги, режа ва мақсадлар белгиланганлиги ҳолати кўриб чиқилди. Масъулларга бир ой муддатда ҳудудлар бўйича тегишли "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ҳамда кўриб чиқиш учун Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига киритиш вазифаси топширилди. "Йўл харитаси"ни белгиланган маҳалла ва қишлоқлар аҳолиси билан бамаслаҳат ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди, деб хабар қилади ЎзА мухбири Ғолиб Ҳасанов.

Бундан ташқари, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ва халқнинг хабардорлигини ошириш мақсадида қарор доирасида амалга ошириладиган ишлар, сарф-харажатлар ҳақидаги маълумотларни доимий равишда ҳокимликлар веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жойлаштириб бориш, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш вазифаси белгиланди.

# ХАЛҚПАРВАР СИЁСАТ ҳаммага бирдек манзур



**Наргиза МИРЁҚУБОВА,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Жорий йилнинг 14 март куни давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманига ташрифи чоғида ўтган йили ҳудудда бирорта ҳам кўп қаватли уй қурилмаганига тўхталиб, бу бўйича мутасаддиларга кўрсатма берганди. Ўша куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз энг хайрли иш – одамларни уй-жойли қилиш бўйича янги вазифаларни белгилаб берди.**

Тан олиш керак, Сайхунободда бўладими ёки Тошкентда бугун уй олиш анча осонлашди. Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан бир томондан уй-жойнинг нархи мақбуллаштирилаётган бўлса, бошқа томондан аҳолининг харид имкониятлари ҳам кенгайтириляпти. Тўлов қобилияти сал пастроқларга бозор тамойилларига асосланган имтиёзли ипотека тизими жорий этилган. Даромади юқори бўлмаган қатламга бошланғич бадал ва фоиз тўловлари учун субсидия йўлга қўйилган. Бундай тартиблар йилдан йилга такомиллаштириб, аҳоли учун қулайлаштирилиб борилмоқда.

12 март куни Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилда уй-жойлар ҳамда "Янги Ўзбекистон" массивлари қурилиши бўйича ўтказилган йиғилишда 2024 йилда амалга ошириладиган ишларга эътибор қаратиб, асосий вазифаларни белгилаб берди.

– **Ислоҳотларимизнинг бошидан одамларга муносиб турмуш шароити яратишни олдимизга мақсад қилиб, улар учун янги уй-жойлар барпо этиш энг устувор вазифаларимиздан бири этиб белгилаганмиз. Бундан тўрт йил аввал аҳолимизнинг уй-жой сотиб олиш учун имкониятини кенгайтириш учун ипотека тизимини бозор тамойилларига асосланган янги тартибини жорий қилдик. Ушбу даврда барча манбалардан 100 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Тасаввур қилинг, 2016-2019 йилларга нисбатан 4 баробар кўп. Агар биз одамларни рози қиламиз десак, уй-жой – бу энг катта масала. 2024 йил ипотека дастури лойиҳасида 80 мингта уй-жой қуриш режалаштирилган. Бу жуда кам. Олдимизга қўйган улкан марраларга эришиш учун уй-жой қурилиши ҳажмини ҳар йили камида 20 фоизга ошириб боришимиз керак,** – деди Президент.

Эътибор беринг, 2016 йил 1 январда мамлакатимиз аҳолиси 31 миллион 576 минг 400 киши бўлган. 2024 йил 1 январига келиб, бу кўрсаткич 36 миллион 799 минг 800 кишини ташкил этди. Ўртадаги фарқ 5 миллион 273 минг 400 киши. Таққослаш учун келтирамиз, бу Дания, Норвегия, Янги Зеландия каби 10 га яқин мамлакатнинг шу кундаги аҳоли сонига деярли тенг. Қатар, Словения каби 10 дан ортиқ мамлакатлар аҳолисидан салкам икки баробар кўп дегани. Кўряпмизки, аҳолимиз анчага кўпайди. Аслида, ўша 2016 йилдаёқ уй-жой энг оғир муаммо эди. Ҳовлиларни-ку қўя туринг, ҳатто, кўп қаватли уйларда ҳам 3 тадан оила яшарди. Иккита келин олганларнинг шундан бошқа чораси йўқ эди. Уй олай деса, қиммат. Субсидия деган молиявий инструментни одамлар яқин яқиндан била бошлади. Ҳатто ипотека ҳам ҳозиргичалик қўл чўзса етадиган даражада эмасди.

▶ 2-бет

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№28 (781) 2024 йил 2 апрель

# Хитой делегацияси қабул қилинди

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов Хитой Халқ Республикасининг Sanmenxia Luqiao Construction Group Co., Ltd. компанияси ижрочи директори Чжан Сюан Хао бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**



Мазкур компания Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида йирик уй-жой комплексини қуришни режалаштирмоқда. Бугунги кунда ушбу лойиҳа учун инвестиция киритиш шарти билан ер майдони ажратилиши белгиланган бўлиб, ҳудудда мажмуа қурилиши лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича хитойлик мутахассислар томонидан ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Учрашувда вазир ўринбосари Тоир Алиматов қурилиш лойиҳаларини амалга оширишда эътибор берилиши зарур бўлган масалалар юзасидан ўз таклифларини билдирди. Хусусан, қурилиш жараёнида сифат, техника ва меҳнат хавфсизлигига амал қилиш, энергосамарадор лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистондаги талаблар ва тажриба юзасидан фикр алмашилди.

Хитойликлар ушбу лойиҳани ишлаб чиқишда яшил ҳудудга катта эътибор берилаётганлигини алоҳида таъкидлашди. Учрашув давомида меҳмонлар томонидан лойиҳани бошлаш ва амалга ошириш юзасидан берилган барча саволларга вазирлик мутахассислари томонидан атрофлича жавоблар берилди. Қизғин муҳокамаларга бой ўтган учрашувда томонлар келгусида режалаштирилаётган ҳамкорлик лойиҳалари ва унинг имкониятлари хусусида фикр алмашдилар.

# Давлат божини тўлашда имтиёзлар берилади

**Олий суд томонидан ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис қуйи палатасига киритилган – коммунал тўловларни суд орқали ундиришда қулайликлар яратишга қаратилган қонун лойиҳаси бир қатор вазирлик ва идора вакиллари иштирокида дастлабки тарзда кўриб чиқилди.**

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан кўп квартирали уйларни бошқариш органлари ўзлари томонидан кўрсатилган хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъволар, аризалар ва шикоятлар билан фуқаролик ишлари ва иқтисодий судларга мурожаат қилганда олдиндан давлат божини тўлашдан озод қилиниши белгиланмоқда. Шунингдек, уларнинг талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда давлат божи ушбу шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда ундирилиши назарда тутилмоқда.

# “ЎзГАШКЛИТИ” ходимлари – Нидерландияда

**Замонавий ёндашувлар асосида шаҳарсозлик фаолиятига оид тадқиқотлар учун илмий ва амалий ечимлар тақдим этишни мақсад қилган “ЎзГАШКЛИТИ” илмий-тадқиқот институтида 60 йилдирки шаҳарсозлик фаолиятига оид барча турдаги лойиҳа ишлари, муҳандислик қидирувлари бўйича тадқиқотлар олиб борилади.**

Аҳамиятлиси, жараёнга илғор хориж тажрибалари, сўнгги инновацион ечимларнинг татбиқ этилиши ташкилотнинг геодезия ва топография соҳасидаги потенциал имкониятларини оширади.

“ЎзГАШКЛИТИ” илмий-тадқиқот институтининг навбатдаги муҳим халқаро ҳамкорлик алоқалари Нидерландиянинг DeltaQuad компанияси билан амалга оширилди. Хорижлик мутахассислар таклифига биноан институт ходимлари Нидерландияда бўлдилар. Ташрифдан кўзланган мақсад – DeltaQuad EVO русумидаги замонавий учувчисиз ҳаракатланувчи самолёт бошқарувига ўқитиш ва синовдан ўтказишдан иборат.

# Бухорода сайёр қабул ўтказилди

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари Азларжон Садиков ҳамда ҳудудий назорат инспекцияси раҳбарияти томонидан Бухоро шаҳри ҳамда Қоракўл тумани ҳудудларида сайёр қабул ўтказилди.**



Сайёр қабулда жисмоний ва юридик шахсларнинг қурилиш, коммунал соҳалардаги ҳамда ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш бўйича мавжуд муаммо ва камчиликлари ўрганилиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қабул қилинди. Шунингдек, мазкур масалалар ечими юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Хусусан, Азларжон Садиков вилоятнинг Бухоро шаҳри, Шофиркон, Қоракўл туманларида амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишиб, ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича вилоят ҳудудий назорат инспекцияси масъулларига тегишли кўрсатма ва топшириқлар берди.

◀ 1-бет



# ХАЛҚПАРВАР СИЁСАТ ҳаммага бирдек манзур

Президент Шавкат Мирзиёев аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида жуда катта савобли ишларга қўл урди. Минг-минглаб уй-жойсиз, бошпанасиз одамларга ватанли бўлиш бахтини туҳфа этди. Энди ўзингиз тасаввур қилинг, агар шунча уй-жой қурилмаганида нима бўларди?

> Уй-жой қурилиши рекорд даражада ўсди. 7 йилда **350 минг**дан ортиқ хонадон туфайли уй-жой олиш орзусида бўлган 100 минглаб оилаларнинг орзулари реал воқеликка айланди. Тасаввур ҳосил қилиш учун, 2009-2016 йилларда, яъни 8 йил давомида ўртача **8 700 та** хонадон фойдаланишга топширилган бўлса, 2024 йилда **100 мингта** хонадон учун турар жойлар қурилади ва шунча оила кўчиб киради. Бу ўз уйига, бахт қўрғонига эришган оилалар сони охирги йилларда 11 мартага ошди дегани. Шу кеча кундузда Ўзбекистон аҳолиси 36 миллиондан ошди ва прогнозларга кўра, бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 40 миллион кишига етишини ҳисобга олсак, ипотека бозоридаги рекордлар ҳар йили янгиланиши зарурлигини англатади.



География фанлари доктори, профессор, аҳолишунослик бўйича эксперт Зулхумор Тожиева 20 йилдан бери мамлакатимиздаги демографик жараёнлар бўйича тадқиқотлар олиб боради. Унинг айтишича, ҳудудларда демографик босим кучайган. Аммо уни пасайтириш бўйича тўғри сиёсат олиб борилмоқда.

– Демографик ривожланиш тенденциясига эътибор қаратсак, – деди Зулхумор Тожиева. – Аҳоли сони ўртача йилига 750 минг кишига кўпайиб боряпти. 2024 йил 968 мингта чақалоқ туғилгани тарихий рақам бўлди. Туғилиш даражасининг бундай юқори кўрсаткич ташкил этиши бугунги кунда барча вилоятларнинг 57 фоизи, аҳолисининг 65 фоизи аҳоли зичлиги 150 киши ва ундан кўп бўлган ҳудудларда жойлашган. Айниқса, шимолий ҳудудда аҳоли тобора зичлашиб бормоқда. Шу билан бирга аҳоли жанубий ҳудудлардан марказга ва шарққа қараб зичлашиб боряпти. Бу аҳоли ўртасида уй-жойга талабнинг юқори эканини кўрсатиб, уй-жойга бўлган эҳтиёжни таъминлаш кераклигини билдиради. Олдиндан шу муаммони кўра билганимиз учун бугун унинг ечимини топишга ҳаракат қилиняпти. Бу эса жуда яхши, ижобий ва ўз вақтида қилинаётган ишлардан бири ҳисобланади. Шундай экан, бу эҳтиёжни таъминлаб бериш борасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат жуда ўринли, деб ўйлайман. 1989 йилда республикамиз аҳолисини уй-жой билан таъминлаш 1 кишига майдони 11,8 квадрат метрдан тўғри келганди. 2022 йилга келиб, бу кўрсаткич 18,2 квадрат метрга тўғри келяпти. Мазкур йиллар оралиғини оладиган бўлсак, аҳолининг бир кишини уй-жой билан таъминланиш майдони 1,5 баробарга ошди, аммо мазкур даврда республикамиз аҳолисининг умумий миқдори 2 баробарга кўпайди.

Эксперт фикрида қайд этилганидек, минглаб оилаларнинг мушкули осон бўлди. Бугун кафтдеккина бир ҳовлида уч-тўрттагача оиланинг яшаши ишончсиздек эшитилиши мумкин, аммо 5-6 йил бурун бундай тақдирга кўниб яшаётганлар пойтахт Тошкентда ҳам анчагина эди. Шу боисдан, Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига киришган илк паллаларданоқ бу долзарб масалани алоҳида эътиборга олиб, одамларни уй-жой билан таъминлаш чораларини кун тартибига қўйди.

– Ҳар бир фуқаро, ҳар бир оиланинг кичик ватани бўлиши керак, – деди “Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси, сенатор Рустам Калонов. – Ана ўшани барпо этиш, халқнинг бағрига шамол тегиши учун Президентимиз жуда катта урғу беряпти. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида қурилишлар баробар кетмоқда. Бундай ишлар илгари ҳеч бўлмаган. Буларнинг барчаси аслида мустаҳкам ирода билан инсон қадрини кўтариб, халқ фаровонлиги учун қилинаётган ишлар. Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Президентимиз халқнинг олдида қарзимиз кўп, бу қилаётганларимиз ҳали кам деган ваъдани бермоқда.

Ипотека бозоридаги дастлабки йирик масштабдаги қурилиш ишларига 2017 йилда старт берилди. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Козим Тўлаганов ўша кунларни худди кечагидек эслайди.

– 1997 йилда Тошкент шаҳрида 1 миллион квадрат метр уй топширилганда жуда хурсанд бўлгандик. 2016 йилнинг охирида Президентимиз 2017 йилда 192 та 7 қаватли уй қурасизлар деганида бошимиз қотганди. Сабаби, техникаларимиз етишмас, аҳоли оғир вазиятга келиб қолганди. Давлатимиз раҳбари узоқни кўриб, қурилиш ташкилотларига кўрсатган кўмаклари туфайли 2016 йилда 2 014 та ташкилот шаклланган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 47 мингтага етди. Ўша пайтда қурилишни 7 қаватли уйдан бошладик, кейинчалик 9 ва 12-14 қаватли уйлар қад ростлай бошлади. Орада 16-18 қаватли уйлар ҳам бунёд бўлди. Бугунги кунга келиб эса бинолар 22-24 қаватга кўтарилиб, қурилиш тизимидаги барча муносабатлар яхшиланиб, анчагина олдинга қадам босилди. Биргина Сергели мисолида айтиладиган бўлса, Президентимиз топшириғи билан 440 та уйлар қурилди. 5 та мактаб ва 8 та болалар боғчалари, ижтимоий соҳа объектлари ҳам барпо этилди. 880 километр коммуникация тармоғи тортилди. Ҳозирги кунда бу ерга келган одам азалдан шароит шундай бўлган бўлса керак деган тасаввурда бўлади. Президентимиз узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсат – аҳолини уй-жой билан таъминлаш сиёсатидир. Унинг замирида катта масала – ижтимоий масала турибди.

Ипотека тизимининг бозор тамойилларига асосланган янги тартиби одамларнинг харид имкониятини кенгайтирган, таъбир жоиз бўлса, қўлини узун қилган механизмга айланди. Бошпанали бўлиш борасидаги машаққатлар кескин қисқарди ва ҳамюртларимизнинг ҳаёти чин маънода ўзгарди.

– Мен ўзим ҳам кўп йиллар ижарама ижара яшаганман, – деди Зулҳумор Тожиева. – У пайтларда ипотека деган нарса бўлмаган. Ҳозир айтаман, ипотека, субсидия деган тизимни жорий қилса бўлар экан-ку. Биз ҳам ёш оила эдик, илм йўлида ҳаракат қилиб юрдик. Президентимиз ёш оилалар ва уй-жойга муҳтож бўлган профессор-ўқитувчиларни уй-жой билан таъминлашга қаратилган қарорни қабул қилди. Бизнинг факультетимизда ўнга яқин ижарада турадиган ўқитувчиларимиз уй-жойларга эга бўлишди. Шуларни кўриб жуда хурсанд бўлгандим. Улар энди фақат меҳнат қилишлари керак бўлади.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2017 йилда янги хонадонлар хариди учун аҳолига 4 триллион сўмлик ипотека кредитлари расмийлаштирилган бўлса, 2023 йилда ажратилган маблағлар миқдори 17 триллион сўмга тенг бўлди. Ҳа, бунақаси аввал бўлмаган. Бошқача айтганда, аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун давлат маблағни аямайди. Ўзингиз тасаввур қилинг, янги хонадонлар оилаларга қанчадан-қанча файз-барака олиб келади.

– Ипотека бозори ва уй-жой билан боғлиқ масалалар бу бир ёки икки йилда ҳал қилинадиган масала эмас. Бу узоқ муддатда режалар асосида амалга ошириладиган масалалар ҳисобланади, – деди Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти катта илмий ходими Зоҳиджон Маҳмудов. – “Ўзбекистон-2030” стратегиясига кўра, 2030 йилга қадар “Янги Ўзбекистон” массивлари сонини 100 тага етказиш, шунингдек, 200 мингта оилалар учун уй-жойлар қуриш, бу албатта, уй-жойга бўлган таклифни ҳам оширади. Иқтисодий жиҳатдан таклифнинг ортиши бу нарх-навонинг тушиши ва кўпроқ уй-жой сотиб олиш имконини яратади. Ҳозир кўрилаётган чоралар нархни барқарорлаштиришга ёки пасайишига ҳам олиб келиб, нархнинг ўсишини пасайтиради.

> 2024 йилги дастурда марра янада катта олинган. Бир йилда **100 минг** хонадонли уй-жой қуриш. Уй-жой билан янада кўпроқ аҳоли қамраб олиниб, кўплаб оилалар ўз яшаш шароитини яхшилашга муваффақ бўлади. Бир хонадонда 4 нафар одам истиқомат қилганда ҳам **400 минг** одамнинг турмушида ўзгариш рўй беради.

– Бир йилда 100 минг хонадонли уй-жой қуришни тасаввур қилиб бўлмас эди, – деди Козим Тўлаганов. – 2017-2020 йиллар оралиғида 250 мингта квартира қурилди. Бу кўрсаткич 2023 йилда 85 мингтага кўтарилди. Бу эса Ўзбекистонда уй-жой қурилиши борасида катта масштабдаги ишлар олиб борилаётганидан дарак беради. Буларнинг барчаси ўзидан-ўзи бўлиб қоладиган жараён эмас, бу ишларнинг замирида улкан меҳнат ва маблағ ётадиган мураккаб жараён ҳисобланади. Ана шу жараён худди шу темпда яна 5-6 йил давом этса, аҳолини уй-жой билан таъминлаш муаммоси анча барҳам топади. 2024 йилда 100 мингта уй-жой қуриш топшириғи берилган. Бу кўрсаткични бажаришимиз учун етарли маблағ ва шароит яратилган.

– Жорий йилда шунча миқдордаги уй-жойларни қуриш режаси ишлаб чиқилишида кейинги 10-15 йилда аҳолининг кўпайиб бориш прогнозлари ҳам ҳисобга олинган. Бу шунчаки айтилаётган, шунчаки берилаётган вазифа эмас, – деди Зулҳумор Тожиева. – Бунинг замирида мамлакатимиз аҳолиси сонининг 10 йилдан кейин қанча бўлиши, 15 йилдан кейин қанчага ортиши, 2030, 2040 йилга бориб республикамиз аҳолиси қайси ҳудудда қанча миқдорга етиши аниқ ҳисоб-китоблар қилинганини англаш мумкин. Айнан ана шу ҳисоб-китобларга таянилган ҳолатда ишлар ташкил этилаётгани бежизга эмас. Ҳисоб-китобларда биргина Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти эмас, балки республикамизнинг барча ҳудудлари қамраб олинган. Аксарият ҳудудларда аҳолини уй-жой билан таъминлаш тизимини тўғри йўлга қўйиш масаласи кўтариляпти. Бу эҳтиёж бугунги кун, келгуси кунлар учун эмас. Республикамиз аҳолиси кундан-кунга ортиб боряпти. Уй-жой билан таъминлашга қаратилган мана шу тизимнинг йўлга қўйилиши асосийси, аҳолини нафақат уйли қилиш, балки шу билан бирга меҳнат ёшидаги аҳолининг бандлиги таъминланади. Бу ерда жуда катта механизм ишлаяпти. Қурилаётган уйларга керак бўладиган хом-ашё, ишлаб чиқариш корхоналари ва ҳоказоларнинг барчаси ўзаро бир-бири билан боғланган. Вилоят марказларининг қурилиши эса ёшларимизнинг бошқа ҳудудга иш излаб кетмай, аксинча ўша ҳудудда ишлаб, меҳнат қилиб, юрт ободлигига ҳисса қўшишига замин яратяпти.

Бу ҳаётда ҳар бир инсон ўз уйи бўлишини орзу қилади. Бугун ўша орзуларга эришиш аввалгидан анча осон. 7 йилдаги эзгу саъй-ҳаракатлар орқали миллионлаб одамларнинг ҳаётида унутилмас ўзгаришлар юз берди. Бу энг муҳим натижа ва халқпарвар сиёсат ҳаммага бирдек манзур бўляпти, мамлакатимизда истиқомат қилаётган минглаб уй-жойга эҳтиёжманд оилаларга эса шодлик ва бахт ҳадя этяпти.

# “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази янги бинода

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қўшкўпир туманида “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази биноси фойдаланишга топширилди.**

Тадбирда Қўшкўпир туман ҳокими Шуҳрат Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи Шерзод Бердиев, сектор раҳбарлари, нуронийлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Мазкур бинода ижтимоий хизмат ва ёрдамларнинг 49 тури, жумладан, ногиронликни белгилаш, протез-ортопедия воситалари билан таъминлаш, санаторийларга юбориш, психологик ёрдам ва ижтимоий нафақа тайинлаш бўйича хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади.



Тадбир иштирокчилари “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази биносида ходимлар ҳамда фуқаролар учун яратилган шароит ва имкониятлар билан танишдилар.

# “Пиёзчилик” МФЙ кўркам қиёфага кирди

Орифжон ИСМОИЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Тошлоқ туманидаги “Пиёзчилик” маҳалла фуқаролар йиғинида “Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла” мезонлари асосида кенг кўламдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари қизғин тус олди. Маҳаллада тоза ичимлик суви, йўл таъмири, электр энергия ва газ таъминоти, тиббий ёрдам кўрсатиш, бандлик масаласи билан боғлиқ кўплаб ишлар амалга оширилди.**

“Обод хонадон” мезони бўйича, уй-жойи таъмирга муҳтож ва оғир шароитда яшаётган 11 та оиланинг турар жойлари таъмирлаб берилган бўлса, “Обод кўча” мезони бўйича 9 та кўчада асфальтлаш, пиёдалар йўлагини қуриш ҳамда электр таъминотини яхшилаш ишлари бажарилди. Маҳаллага кириш қисмига замонавий стелла ўрнатилди. 1,1 километр ички йўллар асфальтлаштирилиб, Бахмал кўчасига 400 метр бетон тўсиқлар ўрнатилди. 2,2 километр пиёдалар йўлаги барпо этилди.

Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 2 дона 160 кВали трансформатор пункти ўрнатилди. 330 та симёғоч янги темир-бетон таянчларига алмаштирилди ҳамда 8,1 километр сип кабель ва 10 кВали ҳаво тармоқлари тортилди. Фахр, Муҳандис ва Истиқбол кўчаларида 2,3 километр узунликдаги янги ичимлик суви тармоғи тортилиб, 120 та хонадонлар тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Ана шундай тизимли ишларнинг натижасида аҳолини узоқ йиллардан бери ўйлантириб келаётган энг бирламчи ҳаётий эҳтиёжлари ҳал этилди. Бу ишларнинг давоми сифатида яқинда “Пиёзчилик” МФЙнинг янги биноси, 2 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси, автосалон ҳамда пойабзал ва кийим-кечак дўконлари тантанали тадбир билан фойдаланишга топширилди.

Бир сўз билан айтганда, “Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла” мезонларини жорий этиш чекка ва олис қишлоқларни обод ва кўркам масканларга айлантирмоқда. Буни одамларнинг эътирофи, эътиборига сазовор бўлаётган амалий ишлар кўрсатиб турибди.

# Правительство Республики Узбекистан

**получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС) | Срок строительства (календарных дней) | Залоговое обеспечения в виде банковской гарантии (сум) |
|---|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-AND-W-44 | Улучшение электроснабжения на территории МСГ “Кургонча”, МСГ “Саноат”, МСГ “Чорбог”, МСГ “Гулдиёр” и МСГ “Кайир” Пахтаабадского района | 6 014 970 899 | 180 | 120 299 418 |

## ГУП Инжиниринговая компания “Служба единого заказчика” при Андижанском областном хокимияте

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации государственных закупок в сфере строительства по Андижанской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет **340 000** сум.

**ГУ Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Андижанской области**
**Адрес:** г. Андижан, пр. А. Навои, дом, 30 (1-этаж, 106-кабинет).
**Тел./факс:** 74-223-57-05.
**E-mail:** andijon.tender@mail.ru

**Получатель:** ГУ Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Андижанской области
**Банковские реквизиты:** р/с: 2021 2000 4036 4994 4001 в Андижанском гор. отд. АКБ “InFinBank”
ИНН 202 453 348 МФО 01114

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16:00 (по ташкентскому времени) 24 апреля 2024 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

**Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**
**Организация для подачи предложений:**
ГУ Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Андижанской области.
**Адрес:** г. Андижан, пр. А. Навои, дом, 30 (1-этаж, 106-кабинет).
**Тел./факс:** 74-223-57-05.
**E-mail:** andijon.tender@mail.ru
**Ответственный представитель консалтингового центра:** М. Топволдиев.

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

**бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

**Аукцион савдога “LOMBARD AVANGARD-KREDIT” МЧЖнинг 2024 йил 28 мартдаги 15-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Миробод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2023 йил 24, 25 июль ва 2024 йил 19, 20 февралдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 60-уй, 66-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 4509 | Цепь, о.в. 9,76 гр., ч.в. 9,76 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 1,93 гр., ч.в. 1,93 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,80 гр., ч.в. 3,80 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,68 гр., ч.в. 4,50 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,85 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 3,24 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 2,56 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; часы “Яшма” с зол. браслетом с №00944, о.в. 14,84 гр., ч.в. 10,50 гр., 585 пр. | 17 518 912,75 |
| 2. | 5350 | Кулон, о.в. 1,34 гр., ч.в. 1,34 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 5,09 гр., ч.в. 5,05 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 12,69 гр., ч.в. 12,69 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,88 гр., ч.в. 2,30 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,62 гр., ч.в. 3,20 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,61 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,73 гр., ч.в. 2,73 гр., 585 пр. | 13 711 717,75 |
| 3. | 3512 | Кольцо, о.в. 1,12 гр., ч.в. 1,12 гр., 375 пр.; серьги, о.в. 2,53 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр. | 1 385 162,75 |
| 4. | 5301 | Цепь, о.в. 3,94 гр., ч.в. 3,94 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 2,53 гр., ч.в. 2,53 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,37 гр., ч.в. 1,80 гр., 585 пр. | 3 803 102,75 |
| 5. | 6372 | Браслет, о.в. 11,76 гр., ч.в. 11,76 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 1,84 гр., ч.в. 1,60 гр., 585 пр. | 6 460 412,75 |
| 6. | 6442 | Кольцо, о.в. 2,08 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. | 1 051 862,75 |
| 7. | 6635 | Цепь, о.в. 6,58 гр., ч.в. 6,58 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 3,15 гр., ч.в. 3,15 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,86 гр., ч.в. 4,30 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,42 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 5,96 гр., ч.в. 5,20 гр., 585 пр. | 8 679 998,85 |
| 8. | 6651 | Кольцо, о.в. 3,66 гр., ч.в. 3,66 гр., 585 пр. | 1 684 627,75 |
| 9. | 6652 | Кольцо, о.в. 2,35 гр., ч.в. 1,75 гр., 585 пр. | 930 662,75 |
| 10. | 6900 | Кольцо, о.в. 3,70 гр., ч.в. 3,50 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,47 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. ; кольцо, о.в. 2,27 гр., ч.в. 1,80 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,14 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 4,15 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 6 899 762,75 |
| 11. | 6926 | Кольцо, о.в. 1,44 гр., ч.в. 1,30 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 2,56 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 2,69 гр., ч.в. 2,69 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 1,35 гр., ч.в. 1,35 гр., 585 пр.; кулон, о.в. 0,77 гр., ч.в. 0,60 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,03 гр., ч.в. 1,60 гр., 585 пр. | 4 512 122,75 |
| 12. | 6956 | Цепь, о.в. 6,04 гр., ч.в. 6,04 гр., 585 пр. | 3 051 662,75 |
| 13. | 6999 | Серьги, о.в. 5,57 гр., ч.в. 3,10 гр., 585 пр. | 1 499 494,75 |
| 14. | 7000 | Цепь, о.в. 12,12 гр., ч.в. 12,12 гр., 585 пр. | 6 005 912,75 |
| 15. | 149 | Кольцо, о.в. 2,92 гр., ч.в. 2,92 гр., 585 пр. | 1 536 662,75 |
| 16. | 298 | Серьги, о.в. 2,88 гр., ч.в. 2,88 гр., 585 пр. | 1 381 829,75 |
| 17. | 307 | Браслет, о.в. 3,90 гр., ч.в. 3,90 гр., 585 пр. | 2 021 462,75 |
| 18. | 382 | Цепь, о.в. 16,44 гр., ч.в. 16,44 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 3,34 гр., ч.в. 3,34 гр., 585 пр.; кольцо с брил. оск., о.в. 4,66 гр., ч.в. 4,66 гр., 585 пр.; серьги с брил. оск., о.в. 7,62 гр., ч.в. 7,62 гр., 585 пр. | 14 641 412,75 |
| 19. | 405 | Серьги, о.в. 3,89 гр., ч.в. 3,10 гр., 585 пр. | 1 612 412,75 |
| 20. | 443 | Цепь, о.в. 7,98 гр., ч.в. 7,98 гр., 375 пр.; цепь, о.в. 6,97 гр., ч.в. 6,97 гр., 585/500 пр.; кольцо, о.в. 3,09 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр. | 7 445 162,75 |
| 21. | 446 | Кольцо, о.в. 5,25 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 7,65 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр. | 4 568 667,60 |
| 22. | 594 | Серьги, о.в. 3,84 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 1 612 412,75 |
| 23. | 674 | Серьга 1 шт., о.в. 3,46 гр., ч.в. 3,46 гр., 750 пр.; серьга 1 шт, о.в. 3,60 гр., ч.в. 3,60 гр., 750 пр. | 2 619 665,55 |
| 24. | 908 | Серьги, о.в. 5,84 гр., ч.в. 5,20 гр., 585 пр. | 2 672 912,75 |
| 25. | 958 | Браслет, о.в. 6,99 гр., ч.в. 6,50 гр., 585 пр. | 3 491 012,75 |
| 26. | 1057 | Серьги, о.в. 5,06 гр., ч.в. 4,86 гр., 750 пр.; кольцо, о.в. 3,89 гр., ч.в. 2,86 гр., 585 пр. | 4 526 363,75 |
| 27. | 1062 | Кольцо, о.в. 1,89 гр., ч.в. 1,70 гр., 585 пр. | 1 006 412,75 |
| 28. | 1076 | Серьги, о.в. 4,41 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 1 373 042,75 |
| 29. | 1080 | Кольцо, о.в. 3,14 гр., ч.в. 3,14 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 10,38 гр., ч.в. 9,80 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,21 гр., ч.в. 3,80 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 6,61 гр., ч.в. 5,80 гр., 585 пр. | 9 895 867,15 |
| 30. | 1096 | Серьги, о.в. 6,55 гр., ч.в. 6,00 гр., 585 пр. | 2 803 202,75 |
| 31. | 1143 | Цепь, о.в. 6,10 гр., ч.в. 6,10 гр., 585 пр. | 3 354 662,75 |
| 32. | 1210 | Кулон, о.в. 0,96 гр., ч.в. 0,96 гр., 585 пр. | 551 912,75 |
| 33. | 1218 | Кольцо, о.в. 2,49 гр., ч.в. 2,30 гр., 585 пр. | 1 309 412,75 |
| 34. | 1235 | Цепь, о.в. 2,33 гр., ч.в. 2,33 гр., 585 пр. | 1 309 412,75 |
| 35. | 1249 | Кольцо с брил. оск., о.в. 4,73 гр., ч.в. 4,73 гр., 585 пр.; серьги с брил. оск., о.в. 5,65 гр., ч.в. 5,65 гр., 585/375 пр.; серьги, о.в. 4,96 гр., ч.в. 4,70 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,96 гр., ч.в. 2,80 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 2,23 гр., ч.в. 2,23 гр., 585 пр. | 10 853 912,75 |
| 36. | 1290 | Кольцо, о.в. 3,38 гр., ч.в. 3,10 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,39 гр., ч.в. 3,30 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,32 гр., ч.в. 1,20 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,23 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 4,30 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр. | 7 066 412,75 |
| 37. | 1356 | Браслет, о.в. 2,48 гр., ч.в. 2,48 гр., 585 пр. | 703 412,75 |
| 38. | 1489 | Серьги, о.в. 4,63 гр., ч.в. 3,70 гр., 585 пр. | 1 891 495,95 |
| 39. | 1515 | Серьги, о.в. 3,49 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 1 536 662,75 |
| 40. | 1527 | Кольцо, о.в. 2,28 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 2,43 гр., ч.в. 2,43 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,03 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,21 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр. | 3 807 465,95 |
| 41. | 1540 | Кольцо, о.в. 10,42 гр., ч.в. 10,10 гр., 585 пр. | 5 096 912,75 |
| 42. | 1617 | Цепь, о.в. 3,02 гр., ч.в. 3,02 гр., 585 пр.; кольцо с брил. оск.о.в. 2,48 гр., ч.в. 2,48 гр., 585 пр.; кулон, о.в. 1,26 гр., ч.в. 1,26 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,03 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр. | 4 540 301,75 |
| 43. | 1627 | Кольцо, о.в. 1,38 гр., ч.в. 1,38 гр., 585 пр. | 779 162,75 |
| 44. | 1629 | Кольцо, о.в. 2,25 гр., ч.в. 2,25 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,88 гр., ч.в. 1,40 гр., 585 пр. | 1 834 249,15 |
| 45. | 1643 | Кольцо, о.в. 5,60 гр., ч.в. 5,60 гр., 585 пр. | 2 748 662,75 |
| 46. | 1772 | Серьги, о.в. 4,23 гр., ч.в. 4,00 гр., 375 пр.; кольцо, о.в. 2,70 гр., ч.в. 2,50 гр., 375 пр.; цепь, о.в. 3,63 гр., ч.в. 3,63 гр., 585 пр. | 4 478 388,75 |
| 47. | 1892 | Кольцо, о.в. 2,10 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,21 гр., ч.в. 1,21 гр., 585 пр. | 1 429 390,65 |
| 48. | 1914 | Кольцо, о.в. 2,59 гр., ч.в. 2,59 гр., 585 пр. | 1 385 162,75 |
| 49. | 1949 | Браслет, о.в. 9,31 гр., ч.в. 9,31 гр., 585 пр. | 5 021 162,75 |
| 50. | 1997 | Кольцо, о.в. 1,84 гр., ч.в. 1,84 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,91 гр., ч.в. 1,80 гр., 585 пр. | 2 021 462,75 |
| 51. | 2009 | Цепь, о.в. 9,17 гр., ч.в. 9,17 гр., 585 пр. | 4 945 412,75 |
| 52. | 2019 | Цепь, о.в. 3,68 гр., ч.в. 3,68 гр., 585 пр. | 1 952 681,75 |
| 53. | 2071 | Серьги, о.в. 4,20 гр., ч.в. 4,00 гр., 585 пр. | 2 112 362,75 |
| 54. | 2081 | Кольцо, о.в. 2,74 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 5,38 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 3,72 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 4,61 гр., ч.в. 4,00 гр., 585 пр. | 7 823 912,75 |
| 55. | 2093 | Кольцо, о.в. 3,50 гр., ч.в. 2,90 гр., 585 пр. | 1 478 789,74 |
| 56. | 2199 | Кольцо, о.в. 2,89 гр., ч.в. 2,70 гр., 585 пр. | 1 385 162,74 |
| 57. | 2254 | Браслет, о.в. 3,94 гр., ч.в. 3,94 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 3,59 гр., ч.в. 3,59 гр., 585 пр. | 4 036 412,74 |
| 58. | 2292 | Цепь, о.в. 26.70 гр., ч.в. 26.70 гр., 585 пр. | 16 606 064,74 |
| 59. | 2348 | Серьги, о.в. 5,59 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,13 гр., ч.в. 1,80 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 5,88 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 5 854 412,74 |
| 60. | 2349 | Кольцо, о.в. 1,26 гр., ч.в. 1,10 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,58 гр., ч.в. 2,58 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,90 гр., ч.в. 2,80 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 2,70 гр., ч.в. 2,70 гр., 585 пр. | 5 293 862,74 |
| 61. | 2372 | Кольцо, о.в. 3,67 гр., ч.в. 3,25 гр., 585 пр. | 1 991 162,74 |
| 62. | 2387 | Кольцо, о.в. 1,87 гр., ч.в. 1,87 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,28 гр., ч.в. 1,20 гр., 375 пр.; серьги, о.в. 2,20 гр., ч.в. 2,10 гр., 375 пр. | 2 142 662,74 |
| 63. | 2442 | Цепь, о.в. 1,74 гр., ч.в. 1,20 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,82 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр.; кулон, о.в. 2,26 гр., ч.в. 2,26 гр., 585 пр. | 2 405 777,84 |
| 64. | 2526 | Цепь, о.в. 12,61 гр., ч.в. 12,61 гр., 585 пр.; кулон, о.в. 3,61 гр., ч.в. 3,61 гр., 750 пр.; кулон, о.в. 1,93 гр., ч.в. 1,93 гр., 750 пр.; кольцо, о.в. 1,92 гр., ч.в. 1,92 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,38 гр., ч.в. 1,30 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,71 гр., ч.в. 4,00 гр., 750 пр.; кольцо, о.в. 2,85 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,56 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,43 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 7,03 гр., ч.в. 6,80 гр., 585 пр. | 21 293 777,74 |
| 65. | 2727 | Кольцо, о.в. 2,98 гр., ч.в. 2,98 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 3,59 гр., ч.в. 3,30 гр., 585 пр. | 3 543 734,74 |
| 66. | 2739 | Кольцо, о.в. 3,36 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 1 839 662,74 |
| 67. | 2743 | Цепь, о.в. 6,28 гр., ч.в. 6,28 гр., 585 пр.; кулон, о.в. 6,85 гр., ч.в. 6,85 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 2,51 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 2,13 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. | 9 516 470,74 |
| 68. | 2810 | Цепь, о.в. 5,09 гр., ч.в. 4,30 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 4,07 гр., ч.в. 3,80 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,73 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,57 гр., ч.в. 2,30 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,11 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. | 7 445 162,74 |
| 69. | 2838 | Кольцо, о.в. 1,25 гр., ч.в. 1,10 гр., 585 пр. | 733 712,74 |
| 70. | 2875 | Серьги, о.в. 4,36 гр., ч.в. 2,82 гр., 585 пр. | 1 612 412,74 |
| 71. | 2876 | Цепь, о.в. 6,09 гр., ч.в. 6,09 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,58 гр., ч.в. 2,40 гр., 585 пр. | 4 263 662,74 |
| 72. | 2900 | Браслет, о.в. 12,03 гр., ч.в. 12,03 гр., 585 пр. | 6 690 995,74 |
| 73. | 2912 | Кольцо, о.в. 3,18 гр., ч.в. 2,60 гр., 585 пр. | 1 612 412,74 |
| 74. | 2998 | Серьги, о.в. 3,73 гр., ч.в. 3,40 гр., 585 пр. | 1 934 431,04 |
| 75. | 3003 | Браслет, о.в. 3,85 гр., ч.в. 3,85 гр., 585 пр. | 2 339 612,74 |
| 76. | 3030 | Кольцо, о.в. 3,34 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 3,65 гр., ч.в. 3,20 гр., 585 пр. | 3 733 412,74 |
| 77. | 3196 | Серьга 1 шт., о.в. 2,11 гр., ч.в. 2,11 гр., 585 пр. | 1 309 412,74 |
| 78. | 3204 | Кольцо, о.в. 2,17 гр., ч.в. 2,17 гр., 585 пр. | 1 309 412,74 |
| 79. | 3214 | Цепь, о.в. 3,38 гр., ч.в. 3,38 гр., 585 пр. | 2 066 912,74 |
| | | **Жами бошланғич баҳоси** | **331 397 420,25** |

Аукцион савдолар **2024 йил 7 май** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2024 йил 3 май куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14,00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2024 йил 7 май** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йил 21 май ва 4 июнь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати бир иш куни аввал соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.
**Телефон:** 71-237-23-96.
**Расмий сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# ЭНДИЛИКДА ҲАР БИР КЎЧАТНИНГ ЎЗ ЭГАСИ БЎЛАДИ!

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 29 март куни ўтказилган “Яшил макон” лойиҳаси доирасидаги ишлар ҳамда чиқиндиларни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, бу йил баҳорда 125 миллион туп кўчат экилиши мўлжалланган. Ҳудудларда боғлар яратиш, йўл бўйларида 10 қатордан дарахтлар экиш бўйича ишлар бошланган. Бу Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида яхши йўлга қўйилган.**



Шунингдек, бу борадаги ишлар кўлами вазирликлар кесимида ҳам турлича эканлиги қайд этилди. Масалан, Мудофаа вазирлиги 100 гектар, Рақамли технологиялар вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги 65 гектардан боғ яратган. Лекин энергетика ва транспорт вазирликларига ажратилган ерларда кўчат тўлиқ экилмаган. Автомобиль ва темир йўл бўйлари, дарё ва канал ёқалари, саноат корхоналари ва ёқилғи қуйиш шохобчалари атрофида ҳам қанча жойлар бўш ётибди. Умуман, дарахт экишни оммалаштириш бўйича ташаббус ва тарғибот етишмаётгани кўрсатиб ўтилди. Бу борада давлат ташкилотлари билан бирга маҳаллий кенгашлар, Экопартия ва бошқа уюшмалар, маҳаллалар – ҳамма бирдам бўлиб ҳаракат қилса, жуда кўп боғлар яратилиши таъкидланди.

Йиғилишда “Яшил макон” лойиҳаси доирасидаги галдаги вазифалар, янги ташаббуслар муҳокама қилинди. Юртимизда дарахт экиб, яшиллик яратишни хоҳловчилар кўп. Лекин кўп қаватли уйда яшайдиган одамларда ер йўқ. Бу борада Жанубий Корея тажрибаси асосида Тошкент вилоятида яхши ташаббус бошланган. Унга кўра, туманлар ҳудудидан ер ажратилиб, 30 йил муддатга ободонлаштириш бошқармаларига берилади. Маҳаллий бюджет ҳисобидан томчилатиб суғориш тизими жорий қилинади ҳамда ер тайёр ҳолга келтирилиб, дарахт экиш истаги бор аҳолига таклиф этилади. Ҳар бир кўчат уни эккан одам номига тамғаланади. Дарахтларни парваришлаш учун ободонлаштириш бошқармаси ходими бириктирилади.

Қолаверса, яшил ҳудудларни кўпайтириш бўйича Тошкент шаҳрида ҳам яхши тажриба қўлланмоқда. Яъни, шаҳарсозлик кенгаши янги қурилишлар майдонининг камида 30 фоизига дарахт экиш мажбуриятини қўйиб, кўчат навигача белгилаб бераяпти. Объект бу шарт бажарилгандан кейингина фойдаланишга қабул қилинаяпти. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига бу тартибни барча ҳудудларда оммалаштириб, шаҳарсозлик нормалари ва лицензия талабларига дарахт экиш мажбуриятини киритиш топширилди. Хусусан, бу йил топшириладиган 2,5 мингта кўп қаватли уйлар ҳудудининг 30 фоизида, 38 та “Янги Ўзбекистон” массивларининг ҳар бирида камида 1 гектардан яшил хиёбонлар ташкил қилиниши белгиланди.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудида кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари катта иштиёқ ва ғайрат билан олиб борилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан, кўп квартирали уйларнинг туташ ҳудудларига бошқарув ташкилотлари томонидан мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш оммавий тарзда йўлга қўйилди. Эътиборлиси, мазкур жараёнда аҳоли ҳам фаоллик кўрсатиб, миллатимизга хос оқибат, меҳнаткашлик ва тантиликни намоён қилмоқда. Айниқса, ёш болаларнинг кўчат экиш ва парваришлашга бўлган иштиёқи кўзни қувнатмоқда.

Хусусан, пойтахтимизнинг барча туманларида ана шундай тадбирлар кўтаринки руҳда ташкил этилди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов ҳамда вазир ўринбосари Озода Жўраева ҳудудларда бўлиб, бошқарув сервис компаниялари томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Аҳоли кайфиятини ўрганиб, улар билан биргаликда кўчат экиш жараёнида иштирок этдилар.

Хусусан, юртимизнинг ҳар бир гўшасида катта шукуҳ ва юқори кайфият билан давом этаётган оммавий кўчат экиш тадбири шаҳримизнинг Янгиҳаёт туманида жойлашган Хушнуд маҳалласида ҳам ташкил этилди. Ҳудуддаги кўп қаватли турар жойларга хизмат кўрсатувчи 10 дан зиёд БСК ҳамда уй эгалари иштирокида эзгу ниятлар билан 100 га яқин манзарали ва мевали дарахт кўчати экилди.

Қувонарлиси, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мазкур эзгу ишлар юртимизнинг барча ҳудудларида уюшқоқолик билан давом этмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилояти бўйича 1 701 та кўп қаватли уйга 32 та БСК хизмат кўрсатади. Барча бошқарув сервис компаниялари ходимлари ўз ҳудудида аҳоли билан биргаликда 12 мингга яқин мевали ва манзарали кўчат экишди. Хусусан, Термиз шаҳридаги “АБН-Жайхун-Сардори” ҳамда “Таъмирлаш фаровон сервис” бошқарув сервис компаниялари 800 дан ортиқ кўчат ўтқазишган бўлса, “Шерхон сурхон соҳил коммунал” компанияси эса 450 дан ортиқ кўчат экишди.

Эзгу ташаббусда бухороликлар ҳам ғайрат кўрсатишди. Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси таркибидаги мавжуд 2100 дан ортиқ кўп квартирали уйлар атрофини ҳам яшил маконга айлантиришга астойдил киришилди. Бошқарув сервис компаниялари ва аҳоли вакиллари томонидан амалга оширилган бу каби тадбирлар ҳудудлар қиёфасини тубдан ўзгартириши баробарида, табиатни асраш, экологик мувозанатни тиклаш, ҳаво мусаффолигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Республиканинг барча ҳудудлари қатори Сирдарё вилоятида ҳам бошқарув сервис компаниялари томонидан кўп квартирали уйларга туташ ҳудудларга кўчат экиш тадбирлари олиб борилди. БСКларда фаолият юритувчи ходимлар томонидан Гулистон, Янгиер шаҳарлари ҳамда Ховос туманида жами 1 000 тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчати экилди. Мазкур тадбирларда аҳоли вакиллари ҳам фаол қатнашиб, юртимизни кўкаламзорлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Шунингдек, Фарғона вилоятининг барча ҳудудларида жойлашган кўп қаватли уйларнинг бўш ер майдонида “Бир бола, бир дарахт” шиори остида ўтказилган тадбирларда 3900 дан зиёд уйлар атрофига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ҳамда Қарши шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими томонидан “Яшил макон“ умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳамда “Бир болага бир дарахт” шиори остида Геолог маҳалласидаги кўп қаватли уйлар атрофига мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси томонидан Навоий шаҳридаги кўп қаватли уй-жойларнинг туташ ҳудудида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ходимлари боғи ташкил этилди. Хусусан, туманларда ҳам қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари томонидан “Яшил макон” лойиҳаси доирасида бошқарув сервис компаниялари ва аҳолини жалб қилган ҳолда дарахт экиш ишлари олиб борилди.

Қолаверса, бу ташаббус Андижон вилоятида ҳам кўтаринки руҳда давом этди. Андижон шаҳридаги кичик даҳаларда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси мутахассислари ҳудуддаги кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатувчи “Шинам” бошқарув сервис компанияси ходимлари билан бирга дарахт кўчатларини ўтқаздилар.

Хоразмда ҳам “Яшил макон” лойиҳаси доирасида кўчат экиш акцияси кун сайин янги босқичга кўтарилмоқда. Бундай хайрли ишларга бошқарув сервис компаниялари вакиллари, кенг жамоатчилик айниқса, болалар ҳам хайрихоҳлик билан қарашаётгани эътиборга молик. Атрофни обод қилишдек эзгу амаллар Хоразмнинг барча ҳудудларида уюшқоқлик билан давом этди. Хусусан, кўп қаватли уйлар атрофига манзарали ва мевали дарахтлар экилиб, ҳудуд кўркам қиёфага келтирилди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ҳудудда тоза ҳавони оптимал миқдорда сақланиб туриши учун ҳар бир одам бошига 50 квадрат метр яшил дарахтзор бўлиши лозим экан. Шу билан бирга, радиацион ҳароратни пасайтиришда яшил дарахтларнинг аҳамияти катта. Демак, бугун экилган ниҳол эртага дарахт бўлиши учун етарли замин яратилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан бошланган эзгу ишлар юртдошларимиз томонидан жадаллик билан давом эттирилиши натижасида келгусида жонажон диёримиз янада кўркам ва яшил маконга айланади, деган умиддамиз.

# Мавсум якунлангани билан ишлар тўхтагани йўқ

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кунлар исиб, мўътадил об-ҳаво бошлангани учун хонадонларга иссиқлик манбаини етказиб бериш мавсуми республикамиз бўйича тўхтатилди. Аммо бу аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш ишлари тугади, дегани эмас. Аслида, соҳа ишчи-ходимлари учун янада масъулиятли палла бошланди. Очиғини айтганда, кўп қаватли уйлардаги муаммолар ҳеч қачон охирига етмаган, бирига ечим топилса, иккинчиси пайдо бўлаверади. Шу сабабли, коммунал соҳа аҳолининг энг оғриқли нуқталаридан бири бўлиб қолаверади.**

Бу борада Жиззах вилоятида амалга оширилган ишлар айниқса, эътиборга лойиқдир. Ҳудуддаги 2344 та кўп қаватли уй-жойлар 31 та бошқарув сервис компанияси ихтиёрига ўтгандан сўнг тажрибали мутахассислар томонидан соҳа истиқболини белгиловчи “Йўл харитаси” тайёрланиб, шу асосда ишлар олиб борилмоқда. Муҳандислик ва коммуникация, электр, газ, иситиш, ичимлик ҳамда оқова сув тизимлари узлуксиз равишда эътиборталаблиги сабабли дастлабки босқичда энг оғир ҳолатдаги 569 та уйни таъмирлаш ҳамда қуриш учун республика бюджетидан 115,6 ва ҳомийлардан 10 млрд сўм маблағ шакллантирилди. Бу маблағ эвазига уйларнинг 227,9 минг метр квадрат том ва фасад қисми, 720 та кириш йўлаги, 78 та уйнинг ички иссиқлик тизими, 284 та электр тақсимловчи шит, 350 та темир эшик, шунингдек, барча йўлаклар бетон қоплама билан қопланиб, 80 та умумфойдаланишдаги санитар узелларни тартибга келтириш ишлари бажарилди.

Вилоятнинг маъмурий марказида жойлашган “Иттифоқ” ҳамда “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 67 та 4 ва 2 қаватли уйлар нафақат шаҳар кўркига, балки ҳаддан ташқари эскиргани ва таъмирга муҳтожлиги билан одамлар кайфиятига ҳам салбий таъсир қилаётганди. Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408-сонли қарори асосида зарур маблағ ажратилгач, ҳудуд қиёфаси янгиланди. Иккинчи босқичда ҳудуддаги 6 та марказий, 5 та маҳаллий (локал) қозонхоналарда янгилаш, қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилгани натижасида кўп квартирали уйларда яшовчи 60 мингга яқин фуқаронинг муаммоси барҳам топиб, эндиликда барча хонадонлар куз-қиш мавсумларида марказлашган иссиқлик манбаидан бир хилда манфаат кўрмоқда.

Иссиқлик таъминотини яхшилаш, уйларга янги технологияларни олиб кириш масаласи бир муддат бўлса-да, мутахассислар назаридан четда қолгани йўқ. Масалан, якунланган йилда республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 2 та янги қозонхона, 13 та қозон, 6,1 километр иссиқлик тармоқлари, 29 дона алоҳида иссиқлик пункти (ИТП) ҳамда 736 дона икки контурли қозонларни қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Биргина Жиззах шаҳрида жойлашган “Заргарлик” МФЙдаги 29 та кўп қаватли уйларнинг марказлашган иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида энергия тежамкор 4 та қозон ҳамда 5,1 километр иссиқлик тармоғи қуриб, фойдаланишга топширилгани ҳисобига куз-қиш мавсумида 1,1 млн куб метр табиий газ, 3,2 млн кВт энергия ресурсларини тежашга эришилди. Муҳими, бу орқали хонадонлардаги ҳар хил турдаги қўлбола иситиш қурилмаларига чек қўйилгани натижасида ис газидан заҳарланишнинг олди олинди.

Бугунги кунда нафақат вилоятдаги иссиқлик таъминоти соҳасида меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар, балки кўп қаватли уйлар аҳолисига хизмат кўрсатаётган 31 та бошқарув компаниясидагилар ҳам кейинги мавсумга тайёргарлик кўриш ишларини бошлаб юборишган. Жумладан, совуқдан зарар етган йўлаклар, уйларнинг фасадлари, ертўлалар қайта кўриб чиқилиб, таъмирлаш ишларига киришилди. Ўндан ортиқ кўп қаватли уйлар атрофидаги ноқонуний қурилмалар олиб ташланиб, улар ўрнида яшил макон яратилаётир.

2024 йилда иссиқлик таъминотини янада яхшилаш учун республика бюджетидан 37,7 млрд сўм, Навоий кон-металлургия комбинати томонидан 12,5 млрд сўм миқдорида ажратилган ҳомийлик маблағлари 1 та қозонхона, 4 та қозонларни таъмирлаш, 29,8 километр иссиқлик тармоқлари, 67 дона алоҳида иссиқлик пунктларини қуриш ҳамда 17 та кўп квартирали уйларнинг ички иссиқлик тизимларини мукаммал таъмирлашга имкон яратди. Навоий кон-металлургия комбинати томонидан ажратилган ҳомийлик маблағи ҳисобидан шу кунларда Ғаллаорол туманининг Маржонбулоқ шаҳарчасидаги 17 та кўп квартирали уйнинг ички муҳандислик коммуникацияси ҳамда РК-1-сонли қозонхонадаги қозонлар ва 3,2 километр иссиқлик тармоқларини таъмирлаш ҳамда 1 та ичимлик суви иншоотини қуриш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Бир сўз билан айтганда, вилоятдаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган аҳолига муносиб шароитлар яратиб бериш ва уларга коммунал хизматлар кўрсатиш сифати йил сайин яхшиланиб бораётгани бундан кейин куз-қиш мавсумларида муаммо бўлмаслигидан далолатдир. Зеро, масъулларнинг бу борадаги ҳаракатлари шундан дарак бермоқда.

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## 2024 йил апрель ойининг 2-4 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳайдовчиси **Мурод Ғафуров,** Бухгалтерия бўлими бош мутахассиси **Муроджон Саминжонов,**

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” давлат харидларини ташкил қилиш ва амалга ошириш бўлими етакчи мутахассиси **Улуғбек Эгамназаров,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси кутубхоначиси **Галина Николайчук,** “Хоразм” лойиҳа бош архитекторлари **Камолиддин Ҳакимов, Зоҳиджон Болтаев,**

“O‘zog‘irsanoatloyiha” АЖ баҳолама бўлим етакчи мутахассиси **Светлана Анненкова,** Муҳандислик тузилмалари ва конструкциялари бўлими етакчи мутахассиси **Канат Умиров,** Лойиҳаларни чиқариш автоматлаштириш бўлими ва электрон архивлаш бош мутахассиси **Шоҳсанам Мамаджанова,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ йўл ва ҳудудларни муҳандислик лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлими муҳандиси **Асатилла Зайнуддинов,**

Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида давлат харидларини ташкил этиш консалтинг маркази директори **Шуҳрат Ўралов,**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси туман (шаҳар) қурилиш бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Озод Шодиев,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоатларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими мутахассиси **Баҳодир Жаниев,**

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими бошлиғи **Бахтиёр Соатов,**

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси назорат бўйича инспектори **Шоҳинур Шомаликов,**

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош мутахассислари **Музаффар Полвонов, Муҳаммад Салаев,**

Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги “Navoiy Professional Boshqaruvi” МЧЖ БСК бош директори **Фазлиддин Сирожиддинов,**

Тошкент шаҳар, Сергели туманидаги “Abror Gold Quruvchi” МЧЖ БСК бош директори **Абиддин Султонов,** Учтепа туманидаги “Zolotoy Znak Uka” МЧЖ БСК бош директори **Зоҳид Ходжамов,** Юнусобод туманидаги “Newfortuna” МЧЖ БСК бош директори **Хонзода Артикова**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятов, Давронжон Адилов, Озода Жўраева, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 94-916-99-77.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-441.
1688 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни –
Топширилди – 22.00.

1 2 3 4 5 6